



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 13 май, № 96 (8991)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:

ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШЛАР ОСТОНАСИДА

Навоий вилояти ва шoir номини олган шаҳарни кўпинча воҳага кончилик саноатининг кириб келиши билан боғлашади. Бироқ ўлканинг қадим тарихи — Учтутдаги ер ости Чакмоқтош кони, Сармиш ва Сентобсойдаги қоятошга ўйилган суратлар, Кармана, Нурота ва Хатирчидаги осориатикалар ушбу воҳа ҳудудида яшаган аجدодларимиз ўз турмуш тарзи, эътиқоди, маданият ва маънавияти билан кишилик жамияти тамал тошининг қўйилишига ҳам муносиб ҳисса қўшганлигидан далолат беради.



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Мозийнинг бугунга тутган кўзгуси

Тўғри, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Қизилқум табиий бойликларининг аниқланиши ва ўзлаштирилиши Кармана ҳамда ундан Жануб томонга бир тош олисда жойлашган темир йўл бекати оралиғида муъжазгина кўрғон яратилишига замин бўлди. Сал илгариоқ қадим шаҳардан уч юз километр йироқда — Шимолий Қизилқумда ҳозирги Учқудук, кейинроқ эса Зарафшон шаҳри ва Зафаробод кўрғонлари қад ростлаб, асос солинганига ҳали кўп бўлмаган Навоий кон-металлургия комбинатининг шаҳарсоз корхона сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади. Бугунги кунда мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқариш борасида етакчи улушга эга “Навоийазот”, “Қизилқумцемент”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятлари каби корхоналарнинг пайдо бўлиш тарихи ҳам бевосита кончилик равнақи билан боғлиқ. Чунки шўро ҳукуматининг ўлка табиий қазилма бойликларини имкон қадар тезроқ қазиб, олиб чиқиб кетишдек талончилик сиёсати ҳудудга саноат кириб келишини тақозо этарди. Бироқ таъкидлаш жоизки, ҳудуднинг кончилик тарихи айни шу даврда яратилган дейиш, хато бўлади.



СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ҚАЙҒУСИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўртинчи йилига ҳам тобора яқинлашмоқдамиз. Бу вақт тарих учун қисқа бир даврни ташкил этса-да, маълум бир ҳулосалар, сабоқлар чиқаришга етарли деб ўйлайман.

Нуктаи назар

Тўғриси, биз мустақилликнинг дастлабки ўн йиллини тирикчилик гамида ўтказдик. Етишмовчилик, ҳавф-хатар, инқирозга учраган иқтисодиёт, бутунлай таназзулга юз тутган алоқалар исканжасида қолгандик. Ҳалла мустақиллиги биз учун ҳаёт-мамот масаласига айланганди. Одамлар иқтисодиётни эмас, иқтисодиёт одамларни бошқарган замоналарни кўрдик.

Уша даврларда биз йўл қўйган энг мудҳиш хатолардан бири — таълим-тарбия соҳасига етарли даражада эътибор бермаганимиз бўлди. Ачқик бўлса ҳам айтаман, бунинг бадалини ҳали-ҳалигача тўлашга тўғри келмоқда.

Ўзи шундоқ ҳам етишмайдиган, ота-оналар фарзандларини жойлаштириш учун йиллаб навбат кутадиган болалар боғчалари тугатилди. Бинолари талон-торож қилинди. Болалар ақлий жиҳатдан ривожланганига энг муҳим даврида уйлари-ча қамалди. Бобо-бувилар, ота-оналар бундан қийингача уларга интизор бўлишди.

Мактаблар аянчли аҳволга келиб қолганди. Асосан ота-оналардан мажбуран йиғиб олинган арзимас пул эвазига номига таъмирланарди. Ўқитувчининг бўйнига эса мустақиллақ тузумдан ўтиб келган мажбурий меҳнат бўйинтуруғи осиб қўйилганди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда таълим тизими таназзулга юз тутди. Муаллим мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Олий ўқув юртларига ўқишга киришнинг коррупцион усуллари йўлаб топилди. Мактаб таълими қайсида маънода ўқувчиларга нимадир бераётган бир ҳолатда коллежлар қурилиб, ўқувчилар тахсилни у ерда давом эттиришга мажбур қилинди. Ўтган давр шуни кўрсатдики, бу борада ҳам биз ҳа-тога йўл қўйган эканмиз. Қисқаси, қайси томондан қарасангиз ҳам таълим аянчли, ожиз аҳволга келтирилди. Бундай бир вазиятда таъ-

лим сифати ҳақида гапиришнинг ўзи мантиқсизлик эди.

Хуллас, Ўзбекистоннинг янги раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевга таназзулга юз тутган таълим соҳаси мерос бўлиб қолганди. Ўтган ўн йил йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этишга сарфланган.

Бу даврда мактабгача таълим соҳаси тикланди. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди ва бу муассасалар эътибордан четда қолаётган болаларни тўла қамраб олишга киришди. Фарзандларимиз мактабга тайёрланиш босқичидан баҳраманд бўлишди. Мамлакатда бу борада бутун бошли тизим янгидан яратилди.

Ўн бир йиллик умумий таълим қайтадан жорий этилди. Янги мактаблар қурилди, мавжудларни капитал таъмирланди, моддий-техника базаси яхшиланди. Ўзини оқламаган коллежлар эса тугатилиб, самарасиз уринишларга барҳам берилди.

Энг муҳими, мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларининг елкасидан “мажбурий меҳнат” деган “тоғ” олиб ташланди. Маашлари кўтарилди. Шу билан бир қаторда, олий таълим даргоҳларига ўқишга киришнинг бутунлай шаффоф механизми яратилди, ёшларни қамраб олиш даражаси бир неча баробар оширилди.

Назаримда бу натижаларга осонликча эришилгани йўқ, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси билан жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Ва бу жараён давом этмоқда. Бунинг учун улкан маблағ сарфланяпти. Меҳнат ва заҳматларни эса айтмаса ҳам бўлади.

Бир қарасак, таълим ислоҳига дахлдор муаммолар ечилгандай туюлади. Бироқ бугун миллат, мамлакат, Президент нимага эҳтиёж сезмоқда? Таълим соҳасида туб бурилиш ясаш учун қайси масалаларга эътибор қаратиш жоиз? Нима қилсак, жаҳон таълим стандартларига мослашамиз? Бугун бизни нима ташвишга солиши керак?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИНГ ОШИРУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 18 апрель кuni ишлаб чиқариш, экспорт, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини оширишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга оид назорат-таҳлил ишларини олиб бормоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган қўмита йиғилишида ер солиғи ҳамда ер участкаларини ижарага беришдаги тўлов миқдорларига солиқ ставкаларининг оширувчи коэффициентлари тадбиркорларга қандай таъсир кўрсатаётгани Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда экспертлар иштирокида батафсил муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда барча соҳада бўлгани каби маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар белгиланмоқда. Ҳозирги вақтда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг жойлардаги долзарб масалаларни бартараф этиш, ҳудудлар ҳаёти билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилишдаги роли сезиларли даражада ошди. Хусусан, 2025 йил 1 январдан бошлаб “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет-ти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, солиқ солиш мақсадида

қўлланиладиган кўчмас мулк ижара қийматининг 1 метр квадрат учун ўрнатилган минимал миқдорларига нисбатан туманлар ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланиши даражасига қараб 2,0 гача оширувчи коэффициентни жорий этишга ҳақли эканлиги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳудудий иқтисодий тенгсизликларни юмшатиш мақсадида ер солиғи ҳамда ер участкаларини ижарага беришдаги тўлов миқдорларига турли коэффицентлар қўлланилади. Ушбу коэффицентлар долзарб масалаларни бартараф этиш, ҳудудлар ҳаёти билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилишдаги роли сезиларли даражада ошди. Хусусан, 2025 йил 1 январдан бошлаб “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет-ти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, солиқ солиш мақсадида

хил оширувчи коэффицентлар қўлланилган. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Қизилқум ва Олтинсой туманлари бир хил тоифа (5-тоифа)даги туманлар бўлса-да, икки хил оширувчи коэффицент қўлланилган. Айрим ҳолларда эса бунинг мутлақо акси, иқтисодий салоҳияти бир-биридан тубдан фарқ қиладиган туман (шаҳар)ларда эса бир хил оширувчи коэффицентлар белгиланмоқда. Мисол учун, Бухоро вилоятидаги Шофиркон ва Пешку туманлари иқтисодий салоҳияти Бухоро шаҳри билан солиштирилганда жиддий фарқ қилса-да, мол-мулк солиғи бўйича бир хил оширувчи коэффицент қўлланилган. Бу эса, ўз навбатида, турли хил имконият ва шароитларга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига тур-лача таъсир кўрсатмоқда.

Йиғилишда депутатлар солиқ ставкаларига оширувчи коэффицентларни белгиланишида аниқ мезон ва механизмларнинг йўқлигига эътибор қаратди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ушбу масалага оқилона ёндашувнинг таъминланмаслиги ҳамда тегишли доимий комиссиялар томонидан етарли таҳлиллар олиб борилмаётгани танқидий баҳоланди.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий Кенгашлар томонидан ижтимоий-иқтисодий салоҳияти деярли тенг бўлган туман (шаҳар)ларда ҳар



Мулоқот

Унда Ўзбекистон ва Европа парламенти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, долзарб минтақавий ҳамда глобал масалалар юзасидан фикр алмашиш, тажриба ва ахборотлар билан ўзаро бўлишишни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити икки минтақа ўртасидаги ўзаро ишонч ва барқарор мулоқотни мустаҳкамлашда муҳим пойдевор бўлгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида апрель ойида муваффақиятли ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида кўҳна қитъа давлатлари парламенти вакилларининг фаол иштироки, ассамблея доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватлангани юқори баҳоланди.

Томонлар сиёсий мулоқотни изчил давом эттириш, қонунчилик жараёнида илгор ёндашувлар алмашинуви ва парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга тайёр эканлигини билдирди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеші ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари қўриб чиқилди. Ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири сифатида парламентлараро мулоқотларни мус-

таҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш учун парламент дипломатиясидан самарали фойдаланиш механизмлари алоҳида муҳокама этилди.



САЙЁҲЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

12 май кuni Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеші ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг бешинчи мажлиси доирасида Ўзбекистон — Қирғизистон туризм форуми бўлиб ўтди.

Форум

Унинг асосий мақсади Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида сайёҳлик алмашинувини кенгайтириш, шунингдек, ушбу соҳадаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Тадбирда кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва яхши муносабатларни мустаҳкамлаш нафақат иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини оширишга, балки икки халқни яқинлаштиришга, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро англашув, ишонч ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Форум доирасида ҳудудларнинг туризм салоҳияти, инфратузилмаси, тақлиф

этилаётган хизматлар сифати, сайёҳларни қабул қилиш учун яратилган шароитлар ҳақида тақдимотлар ўтказилди. Унда истиқболли қўшма лойиҳалар, туристик маҳсулотни илгари суриш дастурлари ва туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчилар туризм соҳасида шерикликни янада мустаҳкамлаш нафақат иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини оширишга, балки икки халқни яқинлаштиришга, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро англашув, ишонч ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Халқ сўзи».

ТИББИЁТ: ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ВА ИНТЕГРАЦИЯ

Инсон қадри — бу, аввало, халқ манфаатларига хизмат қилувчи барқарор иқтисодиёт, сифатли таълим, самарали ижтимоий ҳимоя ва замонавий тиббиёт тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади. Шу маънода ушбу муҳим йўналишларни такомиллаштириш йўлидаги ишлар устуворлик касб этган. Жумладан, тиббиёт соҳаси ҳам.

Муносабат

Шу йилнинг 7 май кuni давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида соғлиқни сақлаш тизимидаги қатор муаммолар ҳамда устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, ҳозирги глобал тараққиёт шароитида тиббиёт тизими нафақат касалликларни даволаш, балки инсон ҳаёти сифатини таъминлаш, меҳ-

нат ресурслари барқарорлигини сақлаш, аҳоли фаровонлигини мустаҳкамлашда ҳал этувчи омилга айланмоқда. Шу боис йиғилишда тиббиётнинг бирламчи бўлини ва ихтисослаштирилган муассасаларда тиббий хизматлар сифатини ошириш, дори воситаларини илмий асосда оқилона истеъмол қилиш, шунингдек, тиббий таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Сўнгги етти йил мобайнида соғлиқ-

ни сақлаш тизимига ажратилаётган давлат маблағлари 6 баробарга ошган. Бу орқали мамлакатимиз ҳудудларида тиббиёт инфратузилмаси босқичма-босқич модернизация қилинди. Илгари фақат марказий шифохоналарда амалга оширилган юксак технологияли 400 дан ортиқ жарроҳлик амалиётлари эндиликда вилоят ва туман миқёсида ҳам қўлланилаётгани давлат даражасидаги сиёсий ирода ва институционал салоҳиятни намоён этмоқда.



СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ҚАЙҒУСИ



Бугун Ўзбекистон айнан сифатли таълимга муҳтож.

Миллатнинг қайғуси ҳам фақат ва фақат сифатли таълим бўлиши керак. Сифатли таълим бериш, энг аввало, барча даражадаги ўқитувчиларнинг бош вазифасига айланиши зарур. Фарзанднинг чуқур билим олиши борасида ота-онанинг ҳам, жамоатчилиқнинг ҳам масъулияти оширилиши керак. Аслида сифатли таълимдан энг манфаатдор инсонлар ота-оналардир. Бу манфаат кўлами янада кенгайиб, давлат ва жамиятни ҳам қамраб олади.

Бугун биз англамаётган ҳақиқатлар эртага биздан шафқатсизларча “қасд олиши” мумкин. Шу боис сон ортидан қувишни тўхтатиб, тезроқ сифатга қайтишимиз керак. Сифат мактабгача таълим тизимидан бошланиб, мактабда ривожланиши, олий ўқув юртида мустақамланиши шарт. Таълим сифати атрофдаги ўқитувчи ҳам, ота-она ҳам, жамият ҳам бирлашиши, бир ёқадан бош чиқариши даркор.

Бахт-саодатга фақат ва фақат фарзандларга сифатли таълим, билим бериш орқали эришилади. Бошқа йўл билан ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмайди. Сифатли таълимниги миллатни юксалтириш, мамлакатни тараққий эттириш. Бу жараёнлар табиий ўз-бе-беда — инқилобий эмас, эволюцион ривожланиш содир бўлади.

Мамлакатимиз миллий мустақиллигини таъминлайдиган, барқарор сақлайдиган ягона омил бу — сифатли таълим!

Янги дунёда мустақилликка сифатли ва замонавий таълим орқали эришиш, илм-фанни ривожлантириш орқали уни сақлаб қолш ва юксалтириш қонунияти ҳукм сурмоқда. Ҳаёт сифати ошишини ис-таган халқ буни яхши англаб ети-ши керак. Ривожланган мамлакатлар ўзидан ўзи бугунги ҳаёт дара-жасига келиб қолмаган. Бунинг за-мирида, аввало, сифатли таълим ётибди. Ислохот аслида айнан шун-дан бошланиши керак. Акс ҳолда муқаррар мағлубиятга юз тутади.

Дунё харитасидаги мамлакатларни бир кўз олдингизга келти-ринг. Қайси заминда таълим сифа-тига бош масала сифатида қаралган, илм-фан юксалган бўлса ўша мамлакат тараққий этган бўлиб чиқади. Бугунги Европа мамлакат-лари ҳам айни шу йўлдан боргани

кундай равшан. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмасди.

Муаммолар, қийинчиликлар, қашшоқлик, қарамлик, қуллик фақат бир восита — илм-фан ва сифатли таълим орқали бартараф этилади.

1945 йил 6, 9 август кунлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига АҚШ томонидан атом бомбаси ташланади. Бу ҳақда ўша пайтдаги АҚШ Президенти Гарри Трумэн шундай деган эди: “Биз инсоният тарихида жуда ҳам дах-штли курул яратдик. Бу курулдан фақат бир давлат — Японияга қарши фойдаланамиз. Бунда ҳар-бий объектлар, аскарлар ва ден-гиз қучлари нишонга олинади. Май-

“Миллатнинг қайғуси ҳам фақат ва фақат сифатли таълим бўлиши керак. Сифатли таълим бериш, энг аввало, барча даражадаги ўқитувчиларнинг бош вазифасига айланиши зарур. Фарзанднинг чуқур билим олиши борасида ота-онанинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам масъулияти оширилиши керак. Аслида сифатли таълимдан энг манфаатдор инсонлар ота-оналардир. Бу манфаат кўлами янада кенгайиб, давлат ва жамиятни ҳам қамраб олади.”

ли, японлар ёввойи, қаттиққўл ва раҳмсиз миллат бўлса ҳам, биз халқ манфаати йўлида на янги, на эски пойтахтга бу бомбани таш-лай олмаимиз...”

1945 йил 2 сентябрда Токио кўлтигида Япониянинг сўзсиз таслим бўлгани ҳақидаги ҳужжат имзоланади. Японияга нисбатан халқро ҳамжамият жуда катта чекловлар киритилади.

Бундай таназзулли кунларни японлар қандай енгиб ўтди? Қан-дай қилиб японлар дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафига қўшилди? Қандай қилиб Япония ҳеч қандай табиий бойликларсиз дунёнинг энг юксак иқтисодиётига эга бўлди? Бу саволларга бир-гина жавоб бор: сифатли таълим Японияни таназзул ботқоғидан олиб чиқди.

Нега Япониянинг ўтган аср ўрта-ларидagi аҳолига тўхталдим? Бу-нинг боиси нажот сифатли таълим-да эканлигига эътиборингизни қаратишдир. Сифатли таълим ва илм-фан дунёни, куч-қудратни, жа-ҳолатни тиз чўқтира олганига бар-чамиз гувоҳимиз. Бугун бутун дунё-ни хайратга солаётган Хитой мўъжизаси, Сингапур салоҳияти, Малайзия маърифати замирида ҳам, энг аввало, сифатли таълим турибди.

“Сифатли таълим” иборасини беҳиз тақдор ва тақдор ишлатаёт-ганим йўқ. **Ижтимоий-иқтисодий талабдан паст, самарасиз таъ-лим, айниқса, у солиштирма миқдори жиҳатидан сифатли таълим улуғиға нисбатан устун-лик қилганда, тескари самара бериб, жамиятнинг барқарор**

ривожланиш векторига салбий таъсир кўрсатади ва тузатиш қийин бўлган вазиятга олиб ке-лади.

Бугун дунё ўта рақобатли ма-конга айланди. Фақат жуда сифат-ли товарлар ва хизматлар тан олин-моқда. Бунга эса сифатли таълим туфайлигина эришиш мумкин. Шу жиҳатдан, уни муболағасиз, локо-мотивга қиёсласа бўлади.

Сифатли таълимнинг бошида миллат ойдинлари, зиёлилар туриши керак.

Агар ўқитувчи ватанпарвар, мил-латпарвар бўлса, энг аввало, ўқу-вчи яхши таълим беради. Ўз на-батидида, ўқувчи ҳам сохта баҳонинг, дипломнинг орқасидан қувмайди.

Инкор этиб бўлмайди — кўпчи-лик, керак бўлса, жамият сифатли таълимнинг темир қонунчилирига тайёр эмас. Бардос беролмайди. Чунки сифатли таълимда ёлгон бўлмайди. Ўқитувчи сифатли дарс ўтади ва ўқувчидан ҳам қаттиқ талаб қилади. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлариға четдан ҳеч ким аралашмайди.

Ота-она ҳам таълим муассаса-сини, муаллимини айблаш позиция-сидан чекиниши, воз кечиши, бу-нинг ўрнига боласининг яхши таъ-лим олиши учун курашиши, мута-саддилардан талаб қилиши муҳим аҳамиятга эга. Ушунда биз бос-қичма-босқич сифатли таълимга ўта оламиз. Акс ҳолда сифатсиз таълимнинг аянчили оқибатлари ичида яшашга мажбуримиз.

Ҳўш, сифатсиз таълим нима дегани? Аввало, у билим бермай-диган мактаб, мутахассис тайёр-ламайдиган олий ўқув юрти, са-водсиз ўқитувчи, нолоний домла дегани. Бундай муаллим қўлида са-баб олган ўқувчиларнинг умри беҳуда ўтади. Улар жамиятнинг билимсиз қатламига айланади. Сифатсиз таълим, бу — билим-сиз шифокор дегани. Унинг қўлига тушган одам ўлиб қўталади. Бу — фикрлаш қобилияти йўқ, чаласа-вод одам дегани. У жамиятнинг

Модомики шундай экан, миллат ўз келажагини интеллектуал салоҳиятнинг асоси бўлган сифатли таълимда қўриши, у бўлмас экан, ёруғлик, рўшнолик йўқлигини англаши керак. Бинобарин, сифатли таълим бериш ҳам, сифатли таълим олиш ҳам аслида ҳақиқий ватанпарварлик намунаси-дир.

қайси бўғинида ишламасин, ўша бўғинни чўқтиради.

Сифатсиз таълим дегани, бу — мамлакатнинг, миллатнинг астиқ-боли йўқ дегани. Бундай халқ рўшнолик кўрмайди. Сифат йўқ жойда самара ҳам бўлмайди.

Шу боис сифат ўзгаришлари таълимнинг барча бўғинида юз бериши керак. Ҳамма механизм-лар тенг ишлаши зарур. Бутун таълим тизими сифат учун бор-бар жавобгар ҳисобланиши керак. Акс ҳолда мактаб мактаб-гача таълим ташкилотини, олий ўқув юрти эса мактабни айблаб юраверади.

Дунёда мамлакатлар кўп, халқ-лар кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам мустақил, озод эмас. Ўша мам-лакатлар, миллатлар тарихига кўз ташласангиз, улар ўз эркини би-ровларнинг қўлига бериб қўйгани-га, тўғриси, бошқаларнинг интел-лектуал қудратига қарам бўлиб қолганига гувоҳ бўласиз. Чуқурроқ эътибор берилса, ўша даврларда улар маърифатдан узоқлашган бўлиб чиқади. Бунинг оқибатида тараққиётдан ортда қолишган. Ло-қайдликка, бепарволикка берилиб, ёшлар таълим-тарбияси аросатда қолган. Натижада ўз-ўзларини қул-ликка маҳкум этишган.

АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон айтган: **“Қачон-ки аҳолини саводли, ҳунарли, бир сўз билан айтганда, маъ-рифатли қилсакки, ривожла-ниш бўлади.”**

Бу сўзлар бугун ҳам ўта дол-зарб. Зеро, ХХ аср интеллектуал бойлик асри ҳисобланади. Энди-ликда интеллектуал даражаси юқори бўлган миллатлар ва мамлакатлар ҳукмрон бўлади. Бу борада ер ости ва ер усти бойликлар ҳеч қандай ўрин тутмайди. Аллақачон интел-лект биринчи даражага қўтарилиб бўлган.

Хомашёларга бой бўлган дав-латларни интеллектуал юқори мам-лакатлар “ютуб” юбораётганини, табиий ресурсларга эга юртлар уларга қарам бўлиб қолаётгани-ни кўриб турибмиз. Бутун дунё-нинг акли ва билими интеллектуал ривожланган давлатларга тўп-ланаётгани ҳам бор гап. Натижада интеллектуал ҳам бўлган давлатлар тобора тараққий этаверади. Бошқалар эса ортда қолаверади. Оқибатда ақлий қарамлик юзага келади. Бу эса ҳар қандай иқти-содий-сиёсий қарамликдан ёмон-роқ, даҳшатлироқдир.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан акад-
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Комиссия ҳамраиси, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда икки мамлакат раҳбарларининг сайй-ҳаракатлари туфайли ўзаро сиёсий ишонч-нинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Бундай шароитда Ўзбекистон ва Қирғизистон пар-ламентлари давлатлараро му-носабатларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади ва уларнинг фаолияти барча даражадаги ҳамкорликнинг стратегик йўна-лишини амалга оширишга қўмак-лаштишга қаратилган.

Шу нуктаи назардан, пар-ламент дипломатияси тўғридан-тўғри мулоқот ва қонун ижод-корлиги йўналишида тажриба алмашш учун кенг имкониятлар очиб бераётгани қайд этилди.

Мажлисда қонунчилик соҳа-сидаги ҳамкорлики мустаҳкам-лаш, ёшлар, ижтимоий ва мада-ний дастурларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, таълим, умумий та-рихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва инсонпарварлик

йўналишидаги ишларни янада жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, шу жумладан, трансчегаравий йўналишларни ривожлантириш, сайёҳлар учун тартибларни со-ддалаштириш ва туризм инфра-тузилмасига сармоя киритиши рағбатлантиришда парла-ментларнинг қўллаб-қувватлаши му-ҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлики чуқурлаштиришга интилишларини тасдиқлади ва парламентлараро мулоқотлар бундан кейин ҳам яхши қўшни-чилик муносабатларини мус-таҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнашига ишонч билдирилди.

Мажлисдан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистон парла-мент делегациялари раҳбарлари Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказининг Фахрий меҳмонлар хёибонидида биргаликда дарраҳт экди.

ҚОНУНЛАРДА ҲУДУДЛАР ХУСУСИЯТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзоларининг салоҳиятини ошириш, қонунчиликда-ги янгиликлар билан таништириш ҳамда юқори палата қўмиталари билан ҳамкорлиқни кучайтиришга қаратилган навбатдаги амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбир

Хусусан, 12-13 май кунлари халқ депутатлари вилоят ва Тошкент ша-ҳар Кенгашлари доимий комиссия-лари раҳбарлари Сенат қўмитала-рида амалиёт ўташмоқда. Шунинг-дек, маҳаллий Кенгашлар котиби-лари ҳодимлари Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш марказида малака ошириш курсла-рида иштирок этади.

Тадбир иштирокчилари Сенат қўмиталари ва марказ фаолияти би-лан яқиндан танишда ҳамда ма-ҳаллий вакиллик органлари ўрта-сидидаги ҳамкорлиқни ривожланти-риш, худудларнинг ижтимоий-иқти-содий тараққиётига оид долзарб масалаларни ҳал қилишда Кенга-шларнинг фаол иштирокини таъмин-лаш бўйича фикр алмашади.

Кеча мазкур тадбирлар доира-

сида Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтириш-га қўмаклашувчи комиссия раиси Анвар Тўйчиев бошчилигида йи-гилиш ўтказилди.

Унда маҳаллий Кенгашлар ва до-имий комиссиялар фаолиятини та-комиллаштириш, Сенат қўмитала-ри ҳамда маҳаллий ҳокимият орган-лари ўртасидаги ҳамкорлиқни мус-таҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаоли-яти устидан самарали назоратни таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Парламентаризм тажрибасидан шу нарса маълумки, қонун ижод-корлиги жараёнига маҳаллий Кен-гашлар депутатларини фаол жалб этиш, уларнинг тақлиф ва мулоха-заларини инобатга олиш қабул қилинаётган қонунларда худудлар хусусиятларини акс эттиришда му-ҳим роль ўйнайди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАНАДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилётган қатор қонун лойиҳалари атрофича кўриб чиқилди.



Тадбиркорлар ва ишби-лармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демок-ратик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Рес-публикасининг Божхона кодекс-сига ўзгариштириш ва қўшим-ча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Кейинги йилларда юртимиз-да тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллашти-риш ва рағбатлантириш мақ-садида соҳага оид қатор тар-тиб-таомиллар танқидий жи-ҳатдан қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган бюрократ-тик говлар ва тўсиқлар бекор қилинди.

Кўрилган чоралар натижаси-да мамлакатда ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркор-лик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имко-ниятлар яратилди. Шу билан бирга, қонунчиликни халқро нормалар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг Тариф-лар ва савдо бўйича Бош би-тими қоидаларига уйғунлашти-риш орқали ташқи савдонини янада либераллаштириш зару-рати мавжуд.

Мазкур қонун лойиҳаси би-лан савдо-иқтисодий муноса-батларда энг кўп қулайлик бе-риш назарда тутилмаган мам-лакатларда (ҳозирда 57 дав-лат энг кўп қулайлик режими-га эга) ишлаб чиқарилган ёҳуд ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқланмаган товарларга нис-батан амалдаги импорт бож-лари ставкаларини 2 қарра ошириб қўллаш амалиётини бекор қилиш назарда тутил-моқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳаси миллий қонун-чиликнинг халқро стандарт-ларга мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шу жумладан, иқтисодиётда тенг рақобат учун шарт-шароитлар яратиш ва чет эл инвестицияларини кенг жалб этишга қаратилган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг бугунги кундаги зарурати ва аҳамияти, уни ик-кинчи ўқишга тайёрлаш чоғи-да депутатлар тақлифлари асо-сида маромига етказилганини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон “Миллий тик-ланиш” демократик партия-си фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда интеллектуал мулк билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони ва уларни содир этиш усуллари ва кўлами ортб бормоқда. Бу эса интеллектуал мулк эгаларининг, хусусан, муаллифлар, ижодкорлар, ихти-рочилар ва бошқа ҳуқуқ эгала-рининг қонун билан қўриқла-надиган манфаатларини сама-рали ҳимоя қилиш заруратини юзага келтирляпти.

Қонун лойиҳаси билан Жи-ноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги ҳамда Фуқаролик ко-дексларига интеллектуал мулк

объектларига бўлган ҳуқуқлар-ни бузганлик учун жавобгар-лиқни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшим-чалар киритилмоқда.

Фракция аъзолари мазкур ҳужжат жамиятда интеллекту-ал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва интеллек-туал мулк эгаларининг қонун-ий манфаатлари муҳофаза-сига хизмат қилишини таъ-кидлашди.

Ўзбекистон “Адолат” со-циал-демократик партияси фракцияси йиғилишида ин-теллектуал мулк ҳимоясини ку-чайтиришга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокамаси жуда қизгин кечди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги ҳамда Фуқаролик ко-дексларига интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар-ни бузганлик учун жавобгар-лиқни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшим-чалар киритилмоқда.



Фракция аъзоси Беҳзод Тўхтамуродовнинг айтишича, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширил-ган. Хусусан, депутатлар томо-нидан билдирилган фикр-му-лоҳазалар, тақлиф ва тавсия-лар чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг асосли деб топила-лари ҳужжат матнида ўз ифо-дасини топган.

Мазкур ҳужжат жамиятда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва интеллектуал мулк эгалари-нинг қонуний манфаатлари-ни ҳимоялаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши жара-ёнида миллий қонунчи-ликни Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо аспект-лари тўғрисидаги битим талабларига уйғунлаштириш-га хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томони-дан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демок-ратик партияси фракцияси йиғилишида бир гуруҳ депутат-лар томонидан қонунчилик та-шаббуси ҳуқуқи асосида иш-лаб чиқилган “Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатларига парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғриси-

да”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзини пар-ламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқил-гунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳаси, шунинг-дек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбо-сари лавозимларини кафолат-ли эгаллаш, ҳар чоракда “Ҳуку-мат соати” доирасида ҳамда парламент сўровини юбориш тўғрисида камида битта маса-ла киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар беришни назарда тут-ган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилляпти.

Фракция раҳбари Улуғбек Иноятонинг фикрига кўра қонун лойиҳаси сиёсий партия-лар фракцияларининг ташаб-бускорлик ҳуқуқи кафолатини мустаҳкамлашда, электротат манфаатлари ҳимояси нуктаи назаридан позиция билдирши имкониятларини кенгайтириш-да катта аҳамият касб этади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувват-ланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғили-шида дастлаб интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини содда-лаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан саноат мулки объектларини рўйхатдан ўтқа-зиш жараёнида талаб қили-надиган давлат божи тўланган-лигини тасдиқловчи ҳужжат-ларни тақдим этишни бекор қилиш тақлиф этилмоқда.

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИНГ ОШИРУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА?



Мазкур масаланинг мақбул ечимларини то-пиш мақсадида қўмита томони-дан жойларда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар Кен-гашлари раислари, котибят му-дирлари, Кенгашлар қошидаги Маҳаллий бюджет, тадбиркорлик-ни ривожлантириш ва иқтисодий

ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари, шу-нингдек, Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириликлари, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлигининг худудий бошқармалари, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилот ва идораларнинг вакил-лари иштирокида режа-жадвал асосида ўқув семинарларни таш-кил этишга келишиб олинди.

Семинарларда, асосан, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер-лар учун солиқ ставкаларининг белгиланишига оид масалалар, хусусан, солиқ ставкалари коэф-

фициентларини худудлар ўртаси-даги ижтимоий-иқтисодий ривож-ланиш даражасидаги фарқлари-ни инобатга олиб белгилаш, сармоя жалб этилганда ёки ин-фратузилмаси ривожланмаган худудларда тадбиркорлиқни рағ-батлантириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъмин-лашда рағбатлантирувчи солиқ механизмларини қўллаш қабилар муҳокама қилиниши кўзда тутил-моқда. Шунингдек, янгилаштирил-ган кадастр баҳоларини қўллаш ҳамда соҳага оид рақамлаштириш жараёнларига тааллуқли масала-лар ҳам муҳокама этилади.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ: ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШЛАР ОСТОНАСИДА

— Навбахор туманидаги Сармиш дараси ҳамда унга туташ Учтут қишлоғи аждодларимиз томонидан бундан беш-олти минг йил муқаддам макон тутилиб, бугунга қадар сақланиб қолган чاقмоқтош қонининг шахта харобалари ҳудуд қончилик тарихининг ибтидосидан далолат беради, — дейди ўлкашунос олим Рамазон Эгамов. — Ушбу қонда аждодларимиз ер юзасида қуриб, мўрт бўлиб қоладиган чакмоқтошга ер остида ишлов бериб, меҳнат ва ов қуролларини ясаган. Бу жой ибтидоий даврда тош қон хомашёси олинган ноёб манзил бўлиб, у Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Шунингдек, қадимги қончилик тарихи бўйича тадқиқотлар Кармана Фарбий сўғд иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Масалан, Қарнаба миллоддан аввалги икки мингичи йилликнинг биринчи ярмида қалай, миллоддан аввалги III асрда Нурота тоғларидан олтин, қумуш, мис, қўрғошн каби металллар қазиб олиниб, Бухорода қумуш тангалар зарб қилинган.

Қончилик — халқимизнинг меҳнат тарихи

“Тарих ёзилмайди, кечилади”, дейишади. Халқимиз ўзининг минг-минг йиллик кечмишида инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшгани, ҳар икки Ренессанс Европада Ўйғониш даврига туртки берганлиги бугун қундай равшан. Айниқса, қончилик ва маъданшуносликдаги ноёб тадқиқот — улуғ аллома Абу Райҳон Бемунийнинг “Минералогия” асари яратилиши Фарбни гафлат уйқусидан уйғотибгина қолмай, бир қатор мамлакатларда ер ости бойликларини ўзлаштириш, қончилик саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган. Қисқача айтганда, аждодларимиз ер ости ва усти қазилма бойликларини қидириш, қазиб олиш, ишлов бериш ва фойдаланишининг назарий қўлланмаларини яратибгина қолмай, амалиётга ҳам татбиқ этишган.

Шу хусусда сўз бораркан, илмий конференциялардан бирида “НКМК” АЖ боши директори Қувондиқ Санақулов ҳар бир халқнинг тарихи фақат урушларигина эмас, унинг меҳнат ва яратувчанлиги тарихи билан бевосита боғлиқлигига эътибор қаратган эди.

— Қўнмида Лотин Америкасининг икки йўрик мамлакатиди хизмат сафариди бўлдим, — деган эди ўшанда Қ. Санақулов. — Таъйикчи, ушбу мамлакатларнинг қончилик саноати тарихи билан ҳам қизиқдик. Бизга тақдим этилган маълумотлар беш юз йиллик ўтмиш билан чегараланганини қўриб ҳайрон қолдик. Ваҳоланки, археологик топилмалар ҳиндулар ҳам бу соҳада бой тарихий тажрибага эга бўлишганидан гувоҳлик беради.

Қиссадан ҳисса шуки, бизнинг қончилик соҳасидида минг йиллик тажрибамиз ҳам муқталиққа қадар ҳиндуларники каби тарихнинг сарғайган ва рақларни орасига яширилган эди. Биргина мисол: Бемуний бобомизнинг “Минералогия” асари ўн тўртинчи асрдаёқ Европа мамлакатлари халқлари тилига ўтирилган бўлса-да, орадан қанча асрлар ўтиб — 2019 йилда уни халқимиз ўз она тилида ўқиш имконига эга бўлди. Бундай мисолларни эса қўллаб келтириш мумкин.

Оққан дарё оқаверди...

Маълумотларда айтилишича, Қизилқум бағрида Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар жамланган. Бирок маъкур бой хомашё ресурсларидан қайин-қайинларгача фақат олтин ва урангина қазиб олинган. Оддий қум, тош ва тупроқдан ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги эса қизилқумликларнинг етти уқлаб тушишга ҳам кирмаган. Хусусан, ҳудуднинг ойна ишлаб чиқаришдаги асосий хомашё — кварц қуми, оқаштош ва доломитга бойлиги Зарафшон шаҳрида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга йўл очди.

— Давлатимиз раҳбари вилоятимизга 2018 йилги таширфи чоғида ойна ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунда қорхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш вазифаларини қўйган эди, — дейди “Зарафшон ойна” МЧЖ таъсисчиси Баҳодир Ўсупов. — Шу асосда 250 миллион АҚШ долларни микдоридида маблаг йўналтирилиб, Германия, Франция ва Италия давлатларидан энг сўнгги авлод ускуналар келтирилди. Натижада хомашё қазиб олишдан тортиб тайёр маҳсулот ҳолига келтиришгача бўлган цикл ўзлаштирилиб, “М0”, “М1” русум-

даги ойналар ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш жоизки, ушбу русумдаги маҳсулотни ҳамма завод ҳам ишлаб чиқара олмайдди. Улар санокли ва бу сафда борлигимиз бизга фахр бағишлайди. Маҳсулотимиз сифатига яна бир далил шуки, қувват йилига 12 миллион метр квадрат бўлгани ҳолда Европа мамлакатларидан 18 миллион метр квадратга талабдор бор. Лекин биз ички бозор талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарган маҳсулотимизнинг 50 фоизини импорт ўрнини босишга йўналтирмоқчимиз. Қорхонада ишла ишлаб чиқариш жараёни — эритиш, қолиплаш, совитиш технологик линияларига ўрнатилган назорат ҳамда бошқарув тизими тўлиқ автоматлаштирилган. Шунга қарамаздан унинг қон ва цехларидан 700 нафар зарафшонлик ўз иш ўринларига эга бўлишди.

Иқтисодиётдаги шу каби дифференциал ёндашулар туфайли вилоятдаги йўрик қорхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасидидаги кооперация алоқалари мустаҳкамланиб, тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Натижада кичик бизнес субъектлари сони 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошиб, бугунги кунда 27047 тани ташкил этмоқда.

«Яшил» иқтисодиётга кенг йўл

Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмида навоийликлар 16,4 фоизлик улушга эга. Цементнинг 15,3 фоизи, кимё саноати маҳсулотларининг 20 фоизи, электр энергиясининг 13,3 фоизи айнан Навоий вилоятидидаги йўрик саноат қувватларидан хориж ва маҳаллий истеъмолчиларга тарқатилади.

Сўнгги беш йилда “Навоий қон-металлургия қомбинати”, “Навоийазот”, “Қизилқумцемент”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятлари, “Навоийурон” ДК, “АКА Extrusions” МЧЖ каби йўрик саноат қувватлари ёнига “Навпроммаш”, “Гидро станко сервис”, “Зарафшон ойна”, Карманада фотоэлектр, Томдида шомол электр станциялари каби ўнлаб йўрик қорхоналар қўшилиб, олис-яқин ҳудудларда ноанъанавий ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилди. Уларда йилига умумий қиймати 124,3 триллион сўмдан зиёд саноат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Шулардан бири — Томди туманида ўтган йил охирида ишга туширилган шомол электр станциясининг иккинчи навбати вилоятда “йил қурилиши” дея эътироф этилди. Ушбу станция 2023 йилнинг декабрь ойида ишга туширилган дастлабки 100 МВтлик қуввати ёрдамида ўтган йили 32 миллион кВт-соатга яқин электр энергияси ишлаб чиқарди. Бу қарийб 156 минг хонадоннинг бир ойлик электр энергияси истеъмолига тенг демакдир. Самарандорлигига келсак, 9,4 миллион кубометр газ тежалишига эришилиб, атмосферага 13 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинди.

Станциянинг иккинчи босқичини бунёд этиш ишлари мисли қўрилмаган қисқа муддатда амалга оширилди. Хитойнинг “Goldwind” компаниясида ишлаб чиқарилган ҳар бири 4,7 МВт қувват, 97 метр баландалликка эга турбиналар, 77 метрлик шомол паракларини ташкил келтиришнинг ўзи анчагина мураккаб жараёنлигини инобатга олсак, унинг алоҳида эътироф этилишида муболаға йўқ. Натижада ўтган йилнинг 13 декабрида ҳар бирининг қуввати 4,7 МВтдан (умумий қуввати 500 МВт) бўлган 111 та шомол турбинаси оҳиста айланиб, мамлакат энергия тармоғи яна қўшимча 400 МВт қувватни ола бошлади.

— Лойиҳани тўлиқ ишга тушириш натижасида 1752 миллион кВт-соат ёки қарийб 730 минг хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг “яшил” энергия ишлаб чиқарилмоқда, — дейди Томди тумани ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Сардор Эшназаров. — Бу мамлакатимиз иқтисодиётига 531 миллион кубометр табиий газни тежаш, 736 минг тонна зарарли моддалар атмосферага чиқарилишининг олдини олиш имкониятини тақдим этди.

Инсон капиталига сармоя

Аёнки, тараққиёт тарихи унинг уч омилига боғлиқлигини кўрсатади. Яъни ҳар қандай мамлакатда ишчи қучи ва табиий ресурслар ривожланишининг 40 фоизга яқинини таъминласа, қолган



олтмиш фоизи бевосита интеллектуал салоҳиятга боғлиқ. Шубҳасиз, иқтисодий ўсишдаги барқарорлик аҳоли фаровонлигининг ошиши ва ҳудудларда ижтимоий инфратузилма раванқига имкон яратади.

Бугун вилоятнинг қайси ҳудудига йўл олмаган, албатта, катта-кичик бунёдкорлик ва қурилиш жараёнларининг устидан чиқасиз. Хусусан, сўнгги йилларда ҳудудда 327 та умумтаълим мактаби, 154 та мактабгача таълим ташкилоти, 173 та соғлиқни сақлаш объекти, 27 та спорт комплекси янгидан қурилиб ва капитал реконструкциядан чиқарилганлиги, 293 та кўп қаватли уй-жой қад ростлаб, 17 904 та оила ўз яшаш шароитини яхшилаганлиги фикримизнинг аққол тасдиғи. Натижада вилоят бўйича мактабгача таълим муассасалари сони 11 баробарга ортиб, уларнинг

ҳудуд ёшлари хорижий тилларни бепул ўрганиш имконига эга бўлди.

Президентимизнинг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори билан ҳудудда мустаҳкам кадрлар захирасини яратиш борасида белгиланган вазифалар таълим соҳасида мутлақо янги саҳифа очди. Қарорга қўра Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Стратегик ислохотлар агентлиги билан биргаликда 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Навоий давлат университетида вилоятда эҳтиёж юқори бўлган иқтисодиёт, бизнес ва туризм, инвестицияларни бошқариш, қишлоқ ҳўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, логистика каби йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйи-


“Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмида навоийликлар 16,4 фоизлик улушга эга. Цементнинг 15,3 фоизи, кимё саноати маҳсулотларининг 20 фоизи, электр энергиясининг 13,3 фоизи айнан Навоий вилоятидаги йўрик саноат қувватларидан хориж ва маҳаллий истеъмолчиларга тарқатилади.”

қамраб олиш кўрсаткичи 34 фоиздан 85 фоизга етказилди. Умумий ўрта таълимда 2023/2024 ўқув йилида вилоятдаги 365 та мактабни тугаллаган 11 минг 662 йилит-қизининг 8 минг 223 нафари (70,6 фоиз) олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинди. Бу республикадаги энг юқори кўрсаткич.

— Таълим соҳасига юксак эътибор бу ютуқларнинг муҳим омили ҳисобланади, — дейди вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Раъно Ҳайитова, — Хусусан, вилоятимизда Қорақўл халқаро математика мактаб-интернати филиали ҳамда Бемуний номидида давлат-хусусий шериклик мактабининг ташкил этилиши, педагоглар меҳнатининг муносиб рағбатлантирилиши соҳада соғлом рақобат муҳитини яратди. Бу нафақат марказ, балки олис ҳудудларда ҳам ўз самарасини бермоқда. Чўнончи, Хатирчи туманининг Тамабахрин маҳалласидида мактаб ўзининг олий таълимга ўқувчилари тайёрлаш тажрибаси билан машҳур бўлиб, бу ерда битирувчиларнинг 90 — 95 фоизи олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йилдаги таширфи чоғидаги топшириғига асосан Томди туманида чет тилларни бепул ўргатишга ихтисослаштирилган Томди тил марказининг йўлга қўйилиши туфайли олис

лишини инобатга олиб, дарс машғулотларига хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Хитойнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги етакчи университетлари билан Навоий давлат университетидида қўшма таълим дастурларини ташкил қилиш белгиланган.

— Шунингдек, қарорда вилоят марказидан олисда жойлашган Зарафшон шаҳри, Қўқудуқ ва Томди туманларидидаги қарийб 150 минг аҳолининг ўзига яқин ҳудудда олий таълим олиши учун шароит яратиш, ўқитиш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг узвийлигини таъминлаш мақсадида Навоий давлат қончилик ва технологиялар университетиининг ҳамда Мухаммад ал-Хоразмий номидидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Зарафшон факультетларини, шунингдек, Навоий шаҳрида 10 та йўналишда таълим берувчи замонавий Шарқ университети нодавлат олий таълим ташкилотини очиш бўйича тақлифларни ўрнатилиш тартибда қўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш вазифалари белгиланган, — дейди Фанлар академияси Навоий вилояти бўлими раиси Абдураззоқ Мирзаев. — Ушбу вазифалар ижроси қончилик ишлари илмий асосда тараққий этишга, соҳада рақамлаштиришнинг ривожланишига қучли туртки бериши, шубҳасиз.



Ҳаётбахш лойиҳалар — ҳар биримизнинг ҳаётимизда

Биз бугун мамлакатимиз саноатининг драйвери — Навоий вилояти мисолида қончилик тарихи ҳамда унинг бугунги энергетик инфратузилмининг замон талаби призмасидан ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам, бугунги глобаллашув шиддати ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ташқи бозор географиясини кенгайтириш талаб этмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Навоий вилоятига ўтган йили амалга оширган таширфида бу борада ҳудуднинг имкониятларини баҳолаб, улардан фойдаланиш бугунги қон талабига жавоб бермаслигини таъкидлади. Ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланишнинг устувор вазифаларини белгилаб берди. Улар юқоридида айтиб ўтилган Президент қароридида ўз ифодасини топган.

— Уттиз олти банддан иборат ушбу қарорда Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестицияларни жалб қилиш, ҳар бир туман ва шаҳарни ихтисослаштирилганлигидан келиб чиқиб ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва турмуш даражасини янада яхшилашнинг устувор вазифалари белгилаб берилган, — дейди халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджет, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Нормурод Исоқов. — Ҳар бир банддаги вазифаларнинг ижроси бўйича масъулар, манба ва қўллаётган самаралар аниқ ифодасини топган.

Қарорда ҳудуднинг бой қадимий мероси ва табиий иқлим шароитидан самарали фойдаланган ҳолда қўшимча қиймат ва иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Туризм қўмитаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги Айдарқўл сув ҳавзаси атрофидаги 150 гектар ҳудудда “Ўзмилий-банк” АЖ билан биргаликда нефуэли лойиҳа компаниялари иштирокида мастер-режа ишлаб чиққан ҳолда 2025-2026 йилларда ойига 10 минг нафаргача хорижий ва маҳаллий сайёҳларга замонавий хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган меҳмонхона, даро олиш ва қўнгилочар масканлар барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. 200 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш, Нурота туманининг Сентоб ва Чўа, Хатирчи туманининг Ленгав ва Ангидон қишлоқларини туризм қишлоқлари сифатида ривожлантириш, бу ерларда 2025 йилда 50 та янги оилавий меҳмон уйи ташкил этиш кўзда тутилган. 500 минг нафар маҳаллий, 80 минг нафар хорижий сайёҳларни жалб қилиш чораларини қўриш, Зарафшон шаҳридаги Марварид қўли атрофида “Асакабанк” АТБ билан биргаликда хорижий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган мастер-режа асосида дор йўли, сузиш ҳавзаси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиб, тадбиркорларга тайёр ҳолатда лотларга бўлган ҳолда лизингга бериш ва 1000 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш вазифалари белгиланган. Бу билан Қизилқум ва тоғолди ҳудудлари ҳам янги хизмат кўрсатиш соҳасининг кириб боришига йўл очилади.

Айни чоғда туризм йўналишида аънанавий сайёҳлик масканларининг мамлакатимиз туризм йўналишларига интеграция қилинишининг қарорда ўз аксини тоғналиши ҳудудда туризм оқимининг ошишига чинакам шиддат беради. Хусусан, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан бирга шу

йил 1 июлга қадар Нурота туманидаги “Чашма” зиёратгоҳини Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Бухоро вилоятидаги “Етти пир” зиёратгоҳлари билан боғлаган ҳолда “Туризм халқаси” дастурини ишлаб чиқиш тадбирлари ҳамда Мурунот қони атрофида ва шомол электр станциялари жойлаштирилган ҳудудда саноат туризми йўналишидаги лойиҳаларни ишга тушириш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилганлиги ҳудуднинг сайёҳлик жозибадорлигини ошириб, бу йўналишда хориж тажрибаси оммалашушига замин яратади.

Ўзига қайтаётган Навоий

Мамлакатимиз раҳбари ўз таширфида Навоий вилоятида 2025 йили “Алишер Навоий йили” деб аташ, улуғ мутафаккир шоир асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг ижроси ҳудудда таъминланишига эришиш, шу йўлда кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш тақлифини илгари сурди.

Шу муносабат билан “Буюқ шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросини юртимиз ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш ҳамда Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили”ни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Унга асосан 8-9 февраль қўнлари мутафаккир шоир таваллудининг 584 йиллиги муносабати билан “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” аънанавий IV халқаро симпозиуми ва навоийликлар тадбирлари юқори савияда ўтказилиб, Ҳазратнинг муаззам ҳайкали пойи чет эллик ҳамда юртимизнинг таниқли навоийшунос олимлари, ёзувчи ва шоирлар, жамоат арбоблари томонидан гулларга бурканди.

Чиндан-да, вилоятимизнинг Навоий номи билан аталishi юксак шараф эканлиги билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Президентлик фаолиятининг дастлабки қўнларидидаёқ ҳазрат Навоий ижоди ва фаолиятини ўрганишда бошқаларга навоийликлар ўрнак бўлиши зарурлигини ўқтирган мамлакатимиз раҳбари ўз қароридида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Навоий вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ ҳолда сўлим боғ ва ҳиббонлар, яшил ҳудудлар ташкил қилиш, Навоий шаҳрида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” боғида улуғ шоир ҳайкали ва “Хамса” достонлари мавзудидаги рамзий дарвозаларни ўрнатиш ҳамда мемориал музей очиш чораларини қўриш вазифаси қўйилган. Ҳар йили алоҳида режа асосида ижодий кечалар, танловлар, китоблар наши ва тақдмоти, илмий-адабий анжуманлар ўтказиш, бу тадбирларга талабалар, ёш ижодкорлар ва иқтидорли ўқувчиларни жалб қилиш, уларни муносиб рағбатлантириш орқали Навоий вилояти тажрибасини оммалаштириш айтилган. Булар ижроси барчамизга улкан масъулият юклаб, Ҳазрат ўз ижодида тараннум этган “Халқ ғами”ни ўз фаолиятида устувор тутмоқ ғояларига ҳамроҳандир.

Таъкидланганидек, ушбу мақолада ҳудуд тараққиётига туртки берган ҳодиса — қончилик саноатининг ўтмиш ва бугунги қўн воқеалигидидаги бир қисми ва унинг атрофидаги эврилишларгагина тўхталдик. Ҳатто, қончиликнинг “НКМК”, “Навоий уран”, кимё саноатининг “Навоийазот”, қурилиш материаллари тармоғининг “Қизилқумцемент”, энергетиканин “Навоий иссиқлик электр станцияси” каби қорхоналарида амалга оширилган миллиард-миллиард долларлик инвестициявий лойиҳаларга тўхталмадик. Нафақат вилоят, балки мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутатган “Навоий” эркин иқтисодий зонаси, Навоий логистика маркази, йўл қурилиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги ислохотлар, аҳолининг бугунги кундан розилиги ва эртанги кунга мустаҳкам ишончи алоҳида мавзу. Асосийси, бу ишонч улкан марралар сари қанот бўлимоқда.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).



ТИББИЁТ:
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ВА ИНТЕГРАЦИЯ

Аммо, тан олиш керак, тиббиёт таълими бугунги кунда бир қатор тизимли муаммоларга дуч келмоқда. Бугунги талабга мос таълим стандартларининг йўқлиги, билим ҳамда кўникмаларни баҳоловчи шаффоф тизимнинг шаклланмагани, амалиёт ва назария ўртасидаги узвий алоқанинг етишмаслиги натижасида битирувчиларнинг касбий тайёргарлигида жиддий номуносибликлар юзага келмоқда. Бу ҳолат нафақат тиббий хизмат сифатини пасайтиради, балки аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи ва иқтисодий барқарорлиқни ҳам хавф остига қўяди.

Шунинг учун тиббиёт таълимини инновацион ёндашувлар билан ривожлантириш, рақамлаштириш ва клиник амалиётга интеграция қилиш, халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда модуль асосида таълим стандартларини янгилаш, талабаларнинг реал амалиёт билан боғланишига шароит яратиш, “Ус-тоз — шогирд” тизимини қайта жорий этиш ва энг муҳими, инсон капиталини сифат жиҳатдан кучайтиришга бугунги куннинг устувор вазифаси сифатида эътибор қаратиш керак.

Бошқача айтганда, давлат томонидан берилган кенг қўламли имкониятлар ва молиявий қўллаб-қувватлаш фақат инфратузилмавий эмас, интеллектуал салоҳиятни янгилаш воситасига айланиши лозим. Агар ушбу имкониятлардан оқилона, стратегик ва тизимли фойдаланилса, юртимиз тиббиёт тизими нафақат миллий эҳтиёжларга, балки халқаро стандартларга ҳам мослашган, рақобатбардор, инсон қадрини энг устувор мезон сифатида қўллаган самарали моделга айланиши мумкин.

Яна бир масала, бу рақамлаштиришни стратегик бошқарув воситаси сифатида жорий этиш зарурлиги. Масалан, тез тиббий ёрдам хизматлари бўйича қақирларнинг 25 фоизини сурункали хасталиги бор фуқаролар ташкил қилаётгани аниқ таҳлил этилди. Баъзи ҳудудларда эса шोшилиш



ёردам машиналари поликлиника вазифасини бажараётгани ачинарлидир. Бу эса тиббиёт муассасаларидаги кадрлар ҳамда маблағларнинг нотўғри тақсимланиши натижаси сифатида баҳоланди. Мамлакатимизда тиббий сўғурта тизими хануз тўлиқ шаклланмаган ва аҳоли бу тизим фойдасини тўлиқ англаб етгани йўқ. Президент бу масала юзасидан алоҳида фикр билдириб, мазкур тизимни амалга ошириш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлигини белгилаб берди.

Йигилишда соҳага оид янгича ёндашувлар белгиланиб, касалликларни олдиндан бартараф этиш, тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш, аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Алоҳида зикр этилган яна бир оғриқли муаммо, бу — болалар онкогематологияси. Афсуски, бу соҳадаги статистик маълумотлар жуда хавотирли: бундай касалликларнинг 75 фоизига охирги, яъни кеч аниқланиш босқичларида ташхис қўйилмоқда. Бу эса нафақат даволаш самарадорлигини пасайтиради, балки бола ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради. Шу боис давлат раҳбари ташаббуси билан онкологияда бўлган каби болалар саратон касалликларига қарши беш йиллик миллий дастурни ишлаб чиқиш бўйича топириқ берилди. Мазкур дастурни молиялаштириш учун камида 110 млн. доллар маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Тиббиётдаги навбатдаги муаммо эса дори воситаларидан нотўғри ва самарасиз фойдаланиш, хусусан,

далилларга асосланган тиббиёт принципларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги билан боғлиқ. Ривожланган давлатларда тиббий амалиёт клиник тадқиқотлар билан тасдиқланган, хавфсиз ва самарали дори воситалари орқали амалга оширилади. Аммо юртимизда дори воситаларининг 42 фоизи самарадорлиги клиник жиҳатдан тасдиқланмаган турлар ҳисобланади. Шу боис ҳалигача айрим шифокорлар томонидан тавсия этилаётган самарасиз

дамлилик хавфини камайтиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар нафақат тиббий хизмат кўрсатиш тизimini, балки соҳадаги таълим сифати ва кадрлар салоҳиятини тубдан такомиллаштиришни ҳам талаб этмоқда. Йигилишда ушбу масала алоҳида эътибор марказида бўлди. Давлат раҳбари айтганидек, сифатли кадрларсиз тиббиётдаги ҳар қан-

“Сўнги етти йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган давлат маблағлари 6 баробарга ошган. Бу орқали мамлакатимиз ҳудудларида тиббиёт инфратузилмаси босқичма-босқич модернизация қилинди. Илгари фақат марказий шифохоналарда амалга оширилган юксак технологияли 400 дан ортиқ жарроҳлик амалиётлари эндиликда вилоят ва туман миқёсида ҳам қўлланилаётгани давлат даражасидаги сиёсий ирода ва институционал салоҳиятни намойиш этмоқда.”

ёки хавфсизлиги номаълум бўлган дори воситалари аҳоли орасида кенг истеъмол қилинишига олиб келмоқда. Бу ҳолат хавфсизлик ва сифат масалаларига жиддий таҳдид солади.

Давлат раҳбари томонидан халқаро манбаларда “самарасиз” ёки “ўрганилмаган” деб топишган дори воситаларини амалдаги клиник протоколлардан чиқариш бўйича тегишли вазирликка вазифа юклатилди. Бу амалга оширилса, тиббиёт амалиётида шубҳали воситаларга чек қўйилиб, фақат илмий асосланган, хавфсиз ва самарали воситалардан фойдаланишга ўтилади. Бундан ташқари, барча тиббиёт муассасаси, айниқса, болалар шифохоналарида антибиотикларни асосли қўллаш ҳолатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, яъни текшириш бўйича топириқ берилди. Бундай назорат нафақат тиббий самарадорлик, балки антибиотикларга чи-

дай молиялаштириш ва инфратузилма ислохотлари ўзини оқламайди.

Сўнги етти йилда тиббиёт йўналишларига талаб юқори бўлгани боис ҳар йили 25 мингга яқин талабалар ушбу соҳада таълим олишга киришга муваффақ бўлмоқда. Шунинг 40 фоизини хусусий олий таълим муассасалари ташкил этаётир. Бу, ўз навбатида, соҳада таълимни диверсификациялаш жараёни жадал кечаётганини кўрсатади. Бироқ мажлисида танқид қилинганидек, билим ва амалий кўникмаларни баҳолайдиган шаффоф, очик ҳамда объектив тизим-

Умуман, тиббиёт таълимида сифати кафолатланган, жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш — миллий соғлиқни сақлаш тизимининг барқарор ва рақобатбардор келажагини белгилайди. Бу эса узоқ муддатли истиқболда, аҳолининг ҳаёт сифати ва давлатнинг ижтимоий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Шухрат БОЙМУРОВА,
Тошкент давлат тиббиёт университети ректори.

Шахмат: ёшларимиз
турнирда 1-ўринни
қўлга киритди

Қозоғистонда 8 — 14 ёшли болалар ўртасида “Аралбай Мухамбетов — 2025” хотира мусобақаси ташкил этилди.

Мазкур беллашувда Ўзбекистон терма жамоаси якуний ҳисобда 1-ўринни қўлга киритди. Швейцария тизими асосида стандарт йўналишда ўтказилган 9 турлик мусобақа якунларига кўра мамлакатимиз вакили Жаҳонгир Насимов 8 ёшгача бўлганлар тоифасида 3-ўринни банд этди.

эгаллаб, рейтингига 60 очко қўшиб олди.

Бундан ташқари, Абдулборий Абдувалиев 14 ёшгача бўлганлар орасида 2-ўринни, Нилуфар Маҳмудова 12 ёшгача, Нигина Худойбердиева эса 18 ёшгача бўлган қизлар тоифасида 3-ўринни банд этди.

Тазквондо WT:
Султонбек Набиев
— чемпион!

Айни кунларда БААнинг Фужайра шахри тазквондо WT бўйича кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мезбонлик қилмоқда.



Мусобақанинг илк кунинда ҳамюртимиз Султонбек Набиев 37 килограммгача вазн тоифасида кечган баҳсларда барча рақибини мағлуб этиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Эслатиб ўтамиз, иқтидорли ҳамюртимиз финал жангида сербиялик рақибдан устун келди.

Байдарка ва каноэда
эшкак эшиш:Ўзбекистон терма
жамоасида 6 та медаль

8 — 10 май кунлари Хитойнинг Нанчанг шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси учтадан кумуш (“C2” 1000 метр: Мухаммадали Мирисманов, Диёрбек Маматқулов, “C1” 500 метр: Мухаммадали Мирисманов, “K1” 500 метр: Арина Танатмишева) ҳамда бронза

(“C2” 500 метр: Камолиддин Раҳматуллаев, Азимжон Сотиболдиев, “K1” 1000 метр: Олександр Зарубин, “C2x” 500 метр (микс): Камолиддин Раҳматуллаев, Зарина Рустамова) медалларига сазовор бўлди.

Қиличбозлик:
вакилимиз бронза
медали соҳиби

Колумбиянинг Богота шаҳрида қиличбозликнинг шпага йўналишини бўйича Гран-при турнири бўлиб ўтди.



Қувонарлиси, унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Вадим Анохин бронза медални қўлга киритди.

Ҳамюртимиз саралаш босқичида Исроил, Гонконг, Италия, Чехия вакил-

ларини мағлубиятга учратди. Бироқ яримфиналда қозоғистонлик Руслан Курбановга 14:15 ҳисобида имкониятни бой берди ва мусобақани учинчи ўрин билан якунлади.

«Халқ сўзи».

Таҳририят почтасидан

ҲУҚУҚБУЗАРЛАРГА
ЧОРА КЎРИЛДИ

“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 2 апрель кунги 67-сонида чоп этилган “Эгасиз қолган ўрмон ерлари талон-торож қилинмоқда” сарлавҳали мақола юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан жавоб хати олдиқ.



Эслатиб ўтамиз, бир гуруҳ фуқаролар мурожаатлари асосида тайёрланган мазкур мақолада муҳбиримиз Жаҳонгир Боймуродов Қашқадарё вилоятининг Қўдала туманида “Қумдарё” давлат ўрмон хўжалигига тегишли бўлган ерлар ноқонуний эгаллаб олинаётгани ва уй-жойлар барпо этилаётгани ҳақида айтилган эди.

5 май кунги таҳририятга йўлланган хатда вилоят ҳокими ўринбосари М. Азизов Кадастр агентлигининг Қашқадарё вилояти бошқармаси Қўдала тумани бўлими томонидан “Қумдарё” давлат ўрмон хўжалигига ажратилган ер майдонларида хатлов ишлари амалга оширилганини маълум қилган.

Хатда айтилишича, ўрганиш давомида “Қумдарё” давлат ўрмон хўжалигига тегишли 77,5 гектар ер майдони 72 нафар фуқаро томонидан ўзбошимчилик билан эгалланиб, қўрилиш ишлари амалга оширилгани ва ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётгани аниқланган. Жумладан, 69 нафар фуқаро томонидан жами 34 гектар ер майдонида ноқонуний равишда уй-жой ва бошқа ёрдамчи бинолар қурилган. Уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 3-қисмига асосан жарима жазоси қўлланиб, фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро суди томонидан қаноатлантирилган.

Шунингдек, 3 нафар фуқаро томонидан 43,5 гектар ер майдони ўзбошимчилик билан эгаллаб олинди, турли қиллоқ хўжалиги экинлари етиштириб келингани аниқланган. Шундан 3,5 гектар ер майдонидан томорқа сифатида фойдаланиб келган 2 нафар фуқарога нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 2-қисмига асосан жарима жазоси қўлланиб, фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро суди томонидан қаноатлантирилган. Бир нафар фуқаро эса 40 гектар ер майдонини ноқонуний эгаллаш йўли билан содир этган ҳуқуқбузарлигини ихтиёрий равишда бартараф этган.

«Халқ сўзи».

ҲАР БИР ҚАДАМ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Тинчликнинг қадрига етиш, асраш — муқаддас бурч. Хотира эса ана шу олий неъмат учун курашган, ёшлиги, умрини Ватан ҳимояси учун бахшида этган юрт ўғлонларини ёдга олишдир.

■ Акс садо

Ҳар гал Иккинчи жаҳон уруши ёки мустақиллик йилларида юртимиз сарҳадларини қўриқлаш учун жонини фидо этган юртдошларимиз ҳақида гап кетганда, фарзандини урушга қўзатиб нон тишлаб қолган оналар, шахид кетган ўғлининг омон қайтишига умрининг сўнгги кунигача ишониб, дарвозадан кўзини узмай сўнгги нафасигача йўл қараган бобо-бувилар, чимилдиги йиғилмай қолган келинчақлар, ота дийдорига зор гўдаклар кўз ўнгимизда гавдаланади. “Ҳамма нарса фронт учун”, деб қуну тун тер тўккан, жўжабирдай жон бўлса-да, уруш кечаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган бошқа миллий вакилларнинг 250 миң боласини ўз фарзандидек бағрига олган юртдошларимиз ва юрт сарҳадларида жон берган алп ўғлонларимиз кўз ўнгимиздан ўтади.

O'ZBEKISTON DAVLAT KONSERVATORIYASI HUZURIDAGI
BOTIR ZOKIROV NOMIDAGI MILLIY ESTRADA SAN'ATI INSTITUTI

quyidagi kafedralar bo'yicha lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

- Estrada xonandaligi kafedrası — dotsent (2), professor (1);
- Estrada cholg'ularida ijrochilik kafedrası — katta o'qituvchi (1), dotsent (2);
- Estrada ijrochiligi pedagoglari tayyorlash kafedrası — dotsent (1);
- Kompozitorlik va aranjirovka kafedrası — dotsent (1);
- Musiqiy nazariy va tarixiy fanlar kafedrası — katta o'qituvchi (2);
- Estrada orkestri dirijyorligi kafedrası — katta o'qituvchi (1);
- Musiqiy ovoz rejissyorligi kafedrası — kafedra mudiri;
- Fakultetlararo fortepiano ijrochiligi kafedrası — o'qituvchi (1), katta o'qituvchi (1);
- O'zbek tili, sport va ijtimoiy fanlar kafedrası — o'qituvchi (1), katta o'qituvchi (1).

Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- rektor nomiga ariza;
- xodimlar shaxsiy varaqasi;
- oliy ma'lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
- o'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro'yxati;
- mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati institutining xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko'chasi, 1-uy. O'zDK huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati instituti.

Telefonlar: 97-139-35-25, 90-823-31-80.

РЕКЛАМА

Комила КАРОМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази Қашқадарё вилояти бўлими
раҳбари, сенатор.

Ўзбекистон давлат драма театрида ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асари асосида саҳналаштирилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ғофсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топирилди — 00.30 1 2 3 4 5 6